



МАНГИТ, мангитлар — йирик кабилалардан бири.

Ўзбекистон ҳудудида, 1923—26 й. маълумотига кўра, Мангит ларнинг умумий сони 130 мингдан ортиқ киши. Шундан Бухоро хонлиги ҳудудида (100 минг киши), Бухоро воҳаси ва Қарши атрофида (44 минг киши), Зарафшоннинг қуйи оқимида (8 минг киши) ўрта оқимида (10 минг киши), Чоржўй туманида (11 минг киши), Жиззахда (2600 киши), Хоразмда (10 минг киши) яшаган. Мангитлар қорақалпоқлар ва Шим. Кавказдаги нўғайлар таркибида ҳам бўлган, бир қисми эса Шим. Афғонистонда яшаган. Ўзбекистонда яшовчи Мангитлар бир қанча йирик ва майда уруғларга бўлинган. Энг йириклари: оқ Мангит, оч Мангит, қора Мангит, чала Мангит, бойгунди М. Булардан ташқари темирхўжа, исобой, гаулак, кўса, тоз, қорабайир, бақирчи, қула, тамғали, мангит қозоқ, ўн икки чўқай, ғала ботир, бешқал, қобакчак, уз, уволай ва б. М. лар Бухоро хонлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашганлар. 1753—1920 й. ларгача Бухорони идора қилиб келган хонлар Мангит ларнинг тўқ уругидан бўлган, шу сабабли хонликда қатта имтиёзларга эга эдилар. Мангитлар 13-а. да Дашти Қипчоқда, қатта бир қисми эса Волга ва Урал дарёлари оралиғида яшаган. Қипчоқлар таъсири остида ўз тилларини унутиб, туркқипчоқ тилини қабул қилганлар. 14-а. нинг охирида алоҳида ўрда (М. ўрдасини) ташкил этганлар. 15-а. нинг ўрталарида Мангитлар «ноғай» (нўғай) деб аталган, уларнинг ўрдаси эса, «Нўғай ўрда» номини олган. 16-а. нинг ўрталарида Нўғай Ўрда Қатта Нўғай ва Қичик Нўғайга бўлинган. Кейинчалик Қатта Нўғай таркибидаги Мангитлар ўзбеклар, қорақалпоқлар, қисман қозоқларнинг этник таркибига қирганлар. 16-а. да ҳоз. Ўзбекистон қудудига кўчиб келганлар. Қадимдан дехқончилик б-н шугулланиб келган ўзбекларнинг таъсири остида Мангит ларнинг бир қисми аста-секин ўтроқлашиб борган, бир қисми эса 19-а. охири ва 20-а. нинг бошларига қадар ярим ўтроқ ҳолда яшаб, қорвачилик б-н шугулланиб келган. Улар қорақўл ва жайдари қўйларни боқиган. Мангитлар дехқончилик, ҳунармандчилик [ғилам (узун патли ғилам — жулхирс машҳур бўлган), матолар, бўз, алача, қалами ва б.], билан шугулланган.

Мангитлар

Муаллиф:

30.09.2023 16:23 -

Очил Бўриев.